

Сийрат 176-дарс. Ихлос сураси Қуръоннинг учдан бирига тенгдир



20:00 / 11.03.2022 3130

686. Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир одам бошқа бир кишининг кечаси **«Қул ҳуваллоҳу аҳад»**ни қайтариб чиққанини эшитди. У тонг оттирганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, ўшани зикр қилди ва уни писанд қилмагандек бўлди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Жоним қўлида бўлган Зот ила қасамки, у Қуръоннинг учдан бирига тенгдир»**, дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

687. Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирортангиз бир кечада Қуръоннинг учдан бирини қироат қилишга ожизлик қиладими?»** дедилар. «Қандай қилиб бир кечада Қуръоннинг учдан бирини қироат қилади?» дейишди. **«Қул ҳуваллоҳу аҳад» Қуръоннинг учдан бирига тенгдир»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

688. Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага дастлаб келганларида ансорлардан боболари ёки тоғалари(нинг авлодлари) ҳузурига тушдилар. У зот ўн олти ой ёки ўн етти ой Байтул-Мақдис томонга (қараб) намоз ўқидилар. У зот Каъба томон юзланишни яхши кўрар эдилар. У зотнинг (Каъбага юзланиб) биринчи ўқиган намозлари аср намози бўлди. У зот билан қавм ҳам намоз ўқиди. У зот билан намоз ўқиган одам (масжиддан) чиқди. Сўнгра ансорлардан бир қавмнинг олдидан ўтди. Улар аср намозида Байтул-Мақдис томонга қараб рукуъ қилиб туришган эди. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан намоз ўқигани ва у зот Каъбага юзланганлари ҳақида гувоҳлик берди. Улар рукуъда турган ҳолларида бурилдилар. У зотнинг Байтул-Мақдис томонга (қараб) намоз ўқишлари яҳудийлар ва аҳли китобга ёқарди. У зот юзларини Байтга бурганларида улар (буни) инкор қилишди.

Баро айтади: «Қибла айлантирилгунча бир қанча одамлар вафот этган ёки қатл қилинган эди. Улар ҳақида нима дейишни билмай қолдик. Шунда Аллоҳ таоло: **«Аллоҳ иймонингизни зое қилмас»**(ояти)ни нозил қилди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан